

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ Кундалик газетаси

№ 103 (11.164)

Баҳоси эркин нархда

## МАМЛАКАТИМИЗДА

- Тошкентдаги Республика ихтисослаштирилган кардиология марказида Марказий Осиёда биринчи бўлиб юрак аритмия хасталигини жарроҳлик йўли билан даволашнинг ноёб усули жорий этилди.
- «Экосан» халқаро ташкилотининг Тошкентда бўлиб ўтган фаоллар йиғилишида Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кўнига бағишланган Экология ва саломатлик кўнларининг биринчи босқичи якунлари ва ёзда ўтказиладиган иккинчи босқичида амалга ошириладиган вазифалар муҳофаза қилинди.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истеъдод» жамғармаси гранти асосида мамлакатимиз таълим тизимида фаолият юритаётган 20 нафардан иборат профессор-ўқитувчилар Россия Федерациясининг Санкт-Петербург давлат политехника университетида замонавий инновацион технологиялар буйича малака ошириб қайтдилар.
- Тошкент вилоятидаги саноат корхоналари сони яна биттага кўпайди. Янгийўлда умумий қиймати 425 минг АҚШ долларлик замонавий технологиялар билан жиҳозланган, эркаклар ва аёллар учун трикотаж либослар тақадиган МЧЖ шаклидаги «ANA Тексти» корхонасининг фойдаланишга топширилиши муносабати билан 40 киши доимий иш ўрнига эга бўлди.
- Андижон вилояти галлакорлари бу йил 76 минг 258 гектар майдонда мўлжалдан кўра мўл ҳосил етиштирдилар. Ҳозирда ўрм-ийғим ишлари бошланиши муносабати билан «Кейс» ва «Клаас» русумидаги 216 та қонбайн, 1705 та автомашина, 1400 дан ортиқ транспорт-тирков трактори мавсумга шайлаб қўйилди.
- Урганч шаҳрида «Сиз тарихни биласизми?» ва «Сиз қонунни биласизми?» кўриктанловларининг вилоят босқичлари ўтказилди. Танловда Янгиарик ва Гурлан туманлари ғолиб деб топилди.
- Халқ таълими вазирлиги томонидан «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида ўтказиладиган «Гийеванди ва ОИТС—умр заволи» деб номланган кўрик-танловнинг минтақавий босқичида Бухоро вилояти вакиллари ғалаба қозонди.
- Наманган вилояти, Ғурумсарой қишлоқ фуқаролар йиғинида «Фидойи ёшлар» жамоатчилик асосида ташкил этилган янги клубнинг очилиш маросими бўлиб ўтди.
- Зағиота тумани ҳокимлиги, халқ таълими бўлими ҳамда қишлоқ хўжалик касб-хунаро коллежи ахборот-ресурс маркази ҳамкорлигида «Китоб мўъжизага чорлайди» мавзусида марафон ўтказилди.
- Хатирчи туманида ёшлар ўртасида «Мафтункор рангар жилоси» кўрик-танлов ўтказилди.
- Наманган вилоятида «Ўзбекино» миллий агентлиги вакиллари, таниқли ва ёш актёрлар, режиссёрлар иштирокида Миллий кино кўнлари тадбири бўлиб ўтди.

## ЖАҲОНДА

- Бугун БМТ Хавфсизлик Кенгаши ўзининг ёпиқ йиғилишида БМТ миссиясининг Абхазияда уриб туширилган Грузиянинг учувчисиз жосус самолёти юзасидан тайёрлаган маърузасини муҳофаза қилди.
- Россия Федерацияси Бош вазир Владимир Путин кеча Францияга ташриф буюрди.
- Дублинда бўлиб ўтган халқаро конференцияда 100 дан зиёд давлатлар жанговар қуроллар ичида энг хавфли саналмиш кассета бомбаларининг фойдаланиши манътувчи конвенцияни қабул қилди. Келишув ҳужжатига кўра, конвенцияга имзо чеккан давлатлар кассета бомбаларини ишлаб чиқариш, ташини, сақлаш ва улардан фойдаланишга чек қўйиши лозим бўлади.
- Кеча Люксембург парламенти Европа Иттифоқи Конституцияси ўрнига қабул қилинган Лиссабон битимини ратификация қилди.
- Россия, Норвегия, Дания, АҚШ ва Канада Греландияда бўлиб ўтган анжуманда Арктикадан фойдаланиш юзасидан ўтказилган музокараларнинг натижаларига кўра кўшма декларацияни қабул қилишди.
- Мьянма ҳарбий ҳукумати муҳолиф демократлар партиясининг раҳбари Аун Сан Су Чжини уй қамоғида сақлаш муддатини яна бир йилга кўзди. БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун ҳукуматнинг ушбу хатти-ҳаракатидан ташвишда эканини айтган ва БМТнинг Мьянмадаги вакили Иброҳим Гамбарини мазкур ҳукумат билан Аун Сан Су Чжини озод этиш борасида музокара ўтказишга ундади.
- Нью-Йоркдаги Жон Кеннеди номидаги халқаро аэропортда уюшган жиноий тўда фойдаланишда. Аэропорт божхонаси бошлиғи Вальтер Голумбовски бошчилигида бир неча ходимлардан иборат гуруҳ жиноий иш устида кўлга олинди. Аэропорт ходимлари томонидан 300 килограммдан иборат гийеванд модда АҚШ ҳудудига ноқонуний равишда киритиб юборилганга аниқланди. Жиноий гуруҳ бошлиғи В.Голумбовскини 70 йиллик қамоқ жазоси ва 2 миллион долларлик жарима кутмоқда.
- Кеча жаҳон бозорларида бир баррел нефтнинг нархи 127 доллардан пастга тушиб кетди.
- Кучли ва тинимсиз ёмғирлар ёғиши натижасида Италиянинг шимолий ҳудудларида кеча фавқулодда ҳолат эълон қилинди.

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

### Кеча саатларда

- **ЭРТАГА** Тасвирий санъат галереясида 1 июнь — Халқаро болаларни химоя қилиш кўни муносабати билан «Мен ва менинг дўстларим» деб номланган болалар томонидан яратилган расмлар кўргазмаси ташкил этилади.
- **БУГУН** Миробод туманидаги Фафур Гулом номидаги маданият уйида сартарошлик, уй ҳамшираси, бичиш-тиқиш тўғрисидаги ҳамкорликларидан «Очк дор» машғулотини ўқитирилди. Тадбир доирасида йиғилганлар эътиборига бичиш-тиқиш тўғрисидаги аъзолари томонидан тайёрланган миллий либослар кўргазмаси намойиш этилди.
- **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида ўтказилган «Хайр, мактабим» мавзусидаги адабий кеча ва концерт дастурида 187-мактабнинг бошланғич синф ўқувчилари, ўқитувчилар иштирок этишди.
- **КЕЧА** Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институтида Серғали туманидаги «Чоштепа» маданият уйи қошидаги «Бойчечак» кўғирчоқ студияси, «Само» гуруҳи вакиллари иштирокида гуштирилган хайрия тадбири 1 июнь — Халқаро болаларни химоя қилиш кўнига бағишланди.
- **ЮНУСОБОД** туманидаги «Иттифок» маҳалласида яшовчи 16 ёшга тўлган йигит-қизларга туман ИИБ вакиллари иштирокида фуқаролик паспортлари топширилди.
- **КЕЧА** Республика ёшларининг «Биоэкосан» ўқув-услубий мажмуасида ёшлар иштирокида ўтказилган тадбир «Гуллар ва қушлар байрами» деб номланди.
- **КЕЧА** Тошкент Давлат маданият институтида талабаларнинг Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Рустам Абдуллаев билан ижодий учрашуви уюштирилди.
- **КЕЧА** Тошкент педиатрия-тиббий институтида Марказий Осиё жарроҳларининг илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.
- **КЕЧА** «Тошкентленд» маданият ва истироҳат боғида 1 июнь — Халқаро болаларни химоя қилиш кўни муносабати билан ўтказилган тадбир доирасида йиғилганларга болалар томонидан яратилган «Ер кўрасида тинчлик» мавзусидаги расмлар кўргазмаси намойиш этилди.
- **КЕЧА** «Қўргонтепа» спорт мажмуасида болалар ўртасида уюштирилган спорт мусобақалари 1 июнь — Халқаро болаларни химоя қилиш кўнига бағишланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

## 1 июнь — Халқаро болаларни химоя қилиш кўни

дунёда шундай АЖИБ БИР САЛТАНАТ БОРКИ, ИНСОН УМРИ ДАВОМИДА ҲАМИША УНГА ИНТИЛИБ, ТАЛПИНИБ, СОҒИНИБ ЯШАЙДИ. УШБУ СИРЛИ ГЎШАНИНГ БЕҒАМ, БЕТАШВИШ БОҒЛАРИДА БИР УМР САЙР ҚИЛИШНИ, УНИ ҲЕЧ ҚАЧОН ТАРК ЭТМАСЛИКНИ ИСТАЙДИ.



## ШҲХ-ШОДОН КУЛГУЛАРИНГ ОЛАМНИ ТУТСИН

ва истеъдодли вакиллари қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда устувор масалага айланганининг яна бир ёрқин далилидир. Мамлакатимизда 30 ёшгача бўлган ёшлар 17 миллион 80 нафар бўлиб, умумий аҳолининг 64 фоизини ташкил этишини ҳисобга оладиган бўлса, демак йилга ном берилишида 17 миллиондан ортиқ ёшларнинг орзу-истаклари рўйи ҳисобга олинган. Ҳозирда шундай ҳолатларнинг ширин хотиралари эсга тушганда юрагингиз энтиқиб кетаверади. Яйраб-яшнаб турган болажонларга ҳавас, меҳр билан боқасиз.

Дарҳақиқат, болажонлар — умримиз мазмуни, ҳаётимиз, наслимиз давомчилари, эртанги кунимиз, келажагимизнинг ёруғ юлдузлари. Уларнинг беғубор кулгулари билан гўёки олам чарогон, барча хайрли ишларимиз бардавом, тинчлигимиз абадий, осмонимиз сифатидир. Уларнинг яйраб-яшнаб, ҳеч кимдан кам бўлмаётган ётишлари йўлида давлатимиз, шахсан Президентимиз бошчилигида жуда катта саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Жумладан мустақиллик йилларида ёш авлоднинг жиҳмонан ва маънан баркамол бўлиб вояга етишига қаратилган бир қатор Фармон ва қарорлар чиқарилиб, улар болажонларнинг таълим-тарбияси, ватанпарвар, маънан етук, қомил инсон бўлиб вояга етишига хизмат қилмоқда. Жаҳон андозалари даражасидаги олий ўқув юрталари, касб-хунаро коллежлари, академик лицей ва мактаблар, спорт комплекслари бугун болажонларимиз ихтиёрида.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 15 йиллиги муносабати билан «Туркистон» саройида бўлиб ўтган тантанали маросимда 2008 йилни «Ёшлар йили» деб эълон қилди. Бу албатта ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик, навқирон авлоднинг иқтидорли

## ЛЮБНА БИНТ ХОЛИД АЛ-ҚОСИМИЙ: «БИЗ ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН МУНОСАБАТЛАРНИ ҚАДРЛАЙМИЗ»

лакатимизга ташриф буюришга таклиф қилганди. Жорий йилда юртингиз раҳбарининг БААга бўлиб ўтган ташриф фойда муваффақиятли ва самарали кечганини таъкидламоқчиман.

Учрашувлар чоғида мамлакатларимиз ҳамкорлигининг турли соҳаларига дахлдор қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланди. Ўзбекистон ва БАА ишбилармон доиралари вакиллари иштирокидаги бизнес-форумда эса икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш масалалари муҳофаза этилиб, инвестициялар соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш имкониятлари кўриб чиқилди.

Президент Ислам Каримовнинг юртимизга сафари чоғида Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Бирлашган Араб Амирикларининг комиссиясининг биринчи мажлисида иштирок этиш учун делегациянинг мамлакатингизга ташрифи ҳақида келишиб олинган эди.

(Давоми 2-бетда).

## ИШБИЛАРМОНЛАР УЧРАШУВИ

ПОЙТАХТИМИЗДА 29 МАЙ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН ВА БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ ИШБИЛАРМОН ДОИРАЛАРИНИНГ БИЗНЕС-ФОРУМИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Бирлашган Араб Амирикларининг Ташқи савдо вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалаларига бағишланди. Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, нефть-газ, банк-молия, қурилиш, машинасозлик, қишлоқ ва сув хўжалиги, озиқ-овқат, кимё, энгил саноат, тўқимачилик, фармацевтика, транспорт ва транспорт коммуникациялари, маданият ҳамда сайёҳлик соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг биринчи ўринбосари Н.Нажимов, Бирлашган Араб Амирикларининг Ташқи савдо вазирининг ўринбосари Любна Бинт Халид ал-Қосимий хоним икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар мамлакатларимиз ўртасида барча соҳаларда, жумладан, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлашди.

Форумда Бирлашган Араб Амирикларининг ишбилармонларига мамлакатимиз иқтисодиётига сармоя жалб этишнинг устувор йўналишлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Мехмонлар юртимизда давом этаётган кенг кўламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётимизни юксалтириш йўлида изчил олиб борилаётган ислохотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ўзгаришлар билан танишди.

Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик деярли барча йўналишларда изчил ривожланмоқда. 2007 йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 93,1 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Ўзбекистонда Бирлашган Араб Амирикларининг сармояси иштирокида тузилган 68 қўшма корхона, ушбу мамлакатдаги 21 фирма ва компаниянинг ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Улар савдо, озиқ-овқат саноати, электроника, тўқимачилик, қурилиш материаллари, транспорт хизмати кўрсатиш каби соҳаларда иш юритаётди.

— Бирлашган Араб Амирикларининг Ўзбекистонга ўзининг энг яқин ва ишончли ҳамкорларидан деб билади, — деди Любна Бинт Халид ал-Қосимий. — Бугунги мулоқотларимиз ўзаро манфаатли келишувлар билан якунланиши ва тез орада самара беришига ишонамиз. Ўзбекистон ва Бирлашган Араб Амирикларининг биргаликда йirik сармоявий лойиҳалар тузиш ва амалга ошириш борасида улкан имкониятларга эга.

Тадбирда икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни, жумладан, нефть-газ, кимё, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, машинасозлик, электротехника, озиқ-овқат, энгил саноат, сайёҳлик каби соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантиришга, Бирлашган Араб Амирикларининг компанияларининг мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этишига оид масалалар атрофида

Ноҳира МАНЗУРОВА,  
ЎЗА МУХБИРИ

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

КУНИ КЕЧА ШАХРИМИЗДАГИ ҒАҒУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИ БОЛАЖОНЛАРНИНГ ШҶХ-ШОДОН КУЛГУЛАРИ БИЛАН ГҶЁКИ ЯШНАБ КЕТДИ. ҶАР ЙИЛИ 1 ИЮНЬ — ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҶИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ ОЛДИДАН МЕҶРИБОНЛИК УЙЛАРИ, МАХСУС МАКТАБ-ИНТЕРНАТЛАР ВА МАҶАЛЛАЛАРДАГИ ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН БОЛАЖОНЛАР УЧУН КАТТА БАЙРАМ ТАДБИРЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛИБ, БОЛАЖОНЛАР КҶНГЛИ БИР ОЛАМ ҚУВОНЧГА ТҶЛАДИ.

КҶРИК-ТАНЛОВЛАР ҶТКАЗИЛДИ

«Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими томонидан ташкил этилиб, Ҷзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг «Тошкент» телерадиоканали, Ҷ.Ғулом

Куй-қўшиққа уланган даврада тадбир иштирокчилари ўртасида «Тошкент билимлар юрти» шаҳар, туман тўғрисида фотоальбом, «Дилимдасан,

кўриги, «Тошкент гуллар шаҳри» кўрик-танлови, виторина уйинлари ҳамда бадийий концерт дастурлари катта завқушавқ билан ўтказилди.

Этиборлиси ушбу тадбирда ҳеч ким этибордан четда қолмади. Ғолиблар ва иштирокчиларнинг барчасига қимматбаҳо эсдалик совғалари, Ғаҳрий ёрлик ва дипломлар топширилди. Шу кун боғдаги барча аттракционлар болажонларга бепул хизмат кўрсатди, музқаймоғу ширинликлар улар кўнглини шодликка тўлдириди.



— Ҷар йили шаҳримиздаги ушбу энг хушманзара масканда болажонларимиз билан мириқиб хордиқ чиқариб, турли танловларда иштирок этиб бир олам таассурот билан қайтамиз, — дейди Юнусобод туманидаги 31-Меҳрибонлик уйи раҳбари Шаҳноза Умирбаева. — Айниқса байрамларда бир қатор ҳамкор ва ҳомий ташкилотлар, шаҳар ва туман ҳокимлиги томонидан ўтказиладиган турли маънавий ва маърифий тадбирлар, қизиқарли учрашувлар уларнинг ваданпарвар, илмли, жисмонан ва маънан баркамол бўлиб вояга етишларида муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

— Мен бу йил 9-синфни тамомлаб ўзим хоҳлаган хо-рография йўналишидаги касб-хўнар коллежга ўқишга кираман, — дейди 24-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Дилафрўз Жуманова. — Раҳбаримиз Шаҳноза Умирбаева бу борарада катта ёрдам беряптилар. Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган этибор ва ишонччи оқлаймиз ва юр-



реография йўналишидаги касб-хўнар коллежга ўқишга кираман, — дейди 24-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Дилафрўз Жуманова. — Раҳбаримиз Шаҳноза Умирбаева бу борарада катта ёрдам беряптилар. Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган этибор ва ишонччи оқлаймиз ва юр-

— Ушбу тадбирни ўтказишдан мақсадимиз эртанимизда издошлари бўлган ёшларимизга Президентимизнинг «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва унга ўтказиш тўғрисида»ги Қарори мазмун-моҳиятини етказиш, турли танловлар орқали янги-янги иқтидор ва истеъодларни аниқлаш, уларни рағбатлантириш ва муносиб тақдирлаш, — дейди биз билан суҳбатда «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши бўлим бошлиғи Гулнора Абдуваҳобова. — Шунингдек, Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини муносиб нишонлашлари-га ҳисса қўшишди.

пойтахтим» ҳужжатлар тўплами, «Тошкент кеча ва бугун» мавзусида «Камолот» ЕИХ туман бўлими томонидан олиб борилган ишлар тўғрисида фотоальбом, «Тошкент — азим шаҳрим» иншонлар кўрик-танлови, махсус мактаб интернатлар ўртасида танлов, ногирон ёшлар ўртасида «Тошкент — ёшлар нигоҳида» расм чизиш ва кўргазмаси, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ўртасида «Дилбандим» эмблема ва шорлар танлови, «Шарк дарвозаси» бадийий чиқишлар кўрик-танлови, «Тошкентим онам» деворий газеталар ҳамда, «Гўзал Тошкентим» фотоальбомлар танлови, «Тошкент — дўстлик шаҳри» шеърлар ва миллий кийимлар

бақалари ўтказилди.

—Мен бугун беҳад хурсандман, — дейди, 23-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Дилшод

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни ва Ёшлар йили муносабати билан ўтказилган хайрия тадбири «Ҷар бир болага меҳр ва этибор» деб номланди. Унга шаҳримиздаги 21-ва 23-Меҳрибонлик уйларининг эллик нафар тарбияланувчи болалари тақлиф қилинди.

Тадбирлар

ВАТАНИМИЗГА МУНОСИБ ҶАРЗАНД БҶЛАМИЗ

ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҶИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ ҶАР ЙИЛИ МАМЛАКАТИМИЗДА КАТТА ТАНТАНАЛАР БИЛАН КЕНГ НИШОНЛАНДИ. МАЗКУР САНА МУНОСАБАТИ БИЛАН ШАХРИМИЗНИНГ БАРЧА ГҶШАЛАРИДА БОЛАЖОНЛАР УЧУН БАЙРАМ ТАНТАНАЛАРИ ҶТКАЗИЛАДИ. ШУ КУНИ БОЛАЖОНЛАР ЯНА БИР БОР МЕҶР-МУҶАББАТ, ЭТИБОР ВА ЭЪЗОЗ ОҒУШИДА БҶЛАДИЛАР. МАНА ШУНДАЙ БАЙРАМ ШОДИЁНАЛАРИДАН БИРИ КЕЧА ҶЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР КУТУБХОНАСИДА ҶТКАЗИЛДИ.

ҳомийларимиз томонидан алоҳида совғалар ҳам тайёрлаб қўйилган. Тадбир доирасида «Дийдор» театр-студияси актёрлари, Республика махсус гимназияси қошида ташкил қилинган «Тарона» вокал ансамбли ва бир қанча академик лицейларнинг иқтидорли ўқувчилари ўзларининг чиқишлари билан байрамнинг янада сермазмун ва мароқли ўтишини таъминлаб бердилар. Жумладан, Меҳрибонлик уйдан ташриф буюрган болалар ҳам ўз концерт дастурларини намойиш қилдилар. Куй ва қўшиққа, қизиқарли саҳна кўринишларига бой тарзда ўтган тадбир жараёнида болажонлар ўртасида спорт мусо-

раман. Келажакда Ватанимизга муносиб фарзанд бўлиб етишишга ҳаракат қиламиз. Тадбир сўнгида болаларга «Шер олтин омад» ва «Венрис-Текс» хусусий корхоналарининг совғалари тарқатилди. Мақолани Дилшодбекнинг қуйидаги тўрт қатор шеъри билан якунлашни лозим топдик:

Ватаним, жаннатим, хур Ҷзбекистон, Пойингга садқадир минг битта калом. Дилшод ўғлинг сенга айлар эҳтиром, Сенга таъзим, сенга шараф-шон.

Гулчеҳра САТТОР қизи

Туйғулар

ҚАЛБИМИЗДАГИ ДУРУ ҒАВҶАРИМ

Болажоним, қалбимдаги дуру-ғавҳарим. Борлигининг бор бисоти, топилмас моҳим. Сенла умрим мазмунлидир, кунларим гўзал, сенинг учун ёзадилар шоирлар гўзал. Тонларимнинг чарақлаган кўбиш сенсан, тунларимнинг энг чароғон чироғи сенсан. Сен ҳаётим йўлларидан порлаган ёғду, борлигинг учун билинмайди ҳеч қандай қайғу. Сен дармонсан, юракларинг қувватидирсан, бу дунёнинг бор безағи, тилагидирсан...

Баъзан хомуш йўга толсам, сочим силайсан, дилимдаги нохушлиқни дарров илғайсан, кўзларингда барқ уради меҳр уммони, болажоним сен борлиқнинг энг нурафшони.

Сен туйфайли мунаввардир бу кўҳна олам, таърифингни ёзаверсан етмайди қалам, қулгиларинг қулиб турса кўзим унгида, кўнглимдан тез аригайдир ҳар қандай алам. Яшашимнинг маъноси ҳам, лаҳзаларим аълоси ҳам ўзингсан болам!

Болажоним, болдай ширин ўтсин болалигинг, шўхликларинг оламларни туйиб кетсин, қулгуларинг жаранглари етти аъло аршга етсин, бу дунёнинг бор тавшиши сенинг қулгинг ичра кетсин. Кўнглиларга қувват берар бегуборим жоним болам, кўзларимнинг зиёссан, дунёларнинг устунисан, келажакни порлоқ болам, Жаннатмакон Ҷзбекистон, диёрингдир хур навқирон, яйра, яша, илм олгин ва бўлгин сен энг билимдон.

Бугун дилим яйраб кетди, борлигингга шуқр айтдим. Борлигимга сингиб кетган юрагимда из қолдирган, баъзан изтиробга солган аъобларни ҳам унутдим. Сен туйфайли болажоним ёришадим, бу тор кўнглим. Доим омон ва соғ бўлгин болажоним, болажоним...

Гулчеҳра ДҶРДИЕВА

ЛЮБНА БИНТ ХОЛИД АЛ-ҚОСИМИЙ:

«БИЗ ҶЗБЕКИСТОН БИЛАН МУНОСАБАТЛАРНИ ҚАДРЛАЙМИЗ»

(Давоми. Боши 1-бетда).

Делегациямиз таркибида БААнинг қатор вазирилари ва давлат идоралари раҳбарлари билан бир қаторда ўз ҳамкасблари билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадларини муҳокама қилишни режалаштираётган йирик ишбилармонлар ҳам бор. Ташрифимиз доирасида икки мамлакат ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида Ҷзбекистон — БАА бизнес-форуми ўтказилди.

— Икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги аҳволини қандай баҳолайсиз?

— Бу ҳақда гапириб, аввало мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий муносабатлар юксак даражада йўлга қўйилганини қайд этиш лозим. Шу билан бирга савдо-иқтисодий муносабатларимизнинг бугунги ҳолати бизни қониқтирмастлигини ҳам таъкидламоқчиман. БАА раҳбарияти Ҷзбекистон билан муносабатларга алоҳида этибор қаратмоқда. Биз, биринчи галда мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажмини сезиларли даражада ошириш тарафдоримиз. БАА Ҷзбекистонга ўз сармояларини киритишга катта қизиқиш билан қарамокда. Хусусан, давлатимиз раҳбарияти Ҷзбекистон иқтисодийнинг турли соҳаларига йўналтирилаётган сармоялар ҳажмини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқди. Хозирданок юртингизда БААнинг бир қатор йирик компаниялари фаол иш бошлаб юборди.

— Сиз раҳбарлик қилаётган делегациянинг ташрифидан қандай натижалар кутилмоқда?

— Иқтисодий ҳамкорлигимизнинг ҳозирги аҳволини таҳлил қилишга интилиш, шунингдек, икки томонлама муносабатларни ривожлантириш имкониятлари ва янги истиқболли йўналишларни белгилаб олиш Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ҷзбекистон — Бирлашган Араб Амирликлари комиссияси биринчи мажлисининг асосий вазифаларидан бўлди. Учрашув жуда самарали кечди, деб ҳисоблайман. Унда савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларда муҳим аҳамиятга эга бўлган нефть ва газ соҳаси, икки мамлакат банк-молия муассасалари ўртасидаги ҳамкорликка алоҳида этибор қаратилди.

Бизнес-форум ҳусусида гапириб, айтишим мумкинки, у икки мамлакат ишбилармон доиралари вакилларига қўллаган янги лойиҳалар билан танишиш учун янада кенгрок имкониятлар эшигини очди.

— Ҷзбекистон билан БАА ўртасидаги муносабатлар ривож ва унинг истиқболли ҳақидаги фикрингизни билмоқчи эдик.

— Бугун жаҳонда Бирлашган Араб Амирликларига ривожланган мамлакат сифатида қарашиди. Кўпчилик бунга амирликлар неғди ишлаб чиқариш орқали эришган, деб ҳисоблайди. Шу ўринда БАА нефть қазиб олиш ва уни қайта ишлаш саноати билан бир қаторда иқтисодийнинг бошқа тармоқлари, саноат, илм-фан ва таълим соҳаларида ҳам яхши натижаларни қўлга киритаётганини айтишни истардим.

Биз дунё мамлакатлари билан турли соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш борасида бой тажрибага эга бўлиб бораёмиш ва уни бошқа мамлакатлар билан ўртоқлашишга тайёрмиз.

Ишонч билан айтишим мумкинки, мамлакатимиз Ҷзбекистон билан кўп томонлама муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун сай-ҳаракатларни давом эттирмоқда. Биз Ҷзбекистон билан бўлган алоқаларимизни илқ, дўстона ва алоҳида аҳамиятга эга бўлган муносабатлар сифатида талқин этамиш. Бу эса бизни олдинда халқларимиз фаровонлиги йўлида турли йўналишларда самарали ҳамкорлик кўтаётганини англатади.

Музаффар ЗОҶИДОВ, «Ҷаҳон» АА

Таълим

ЭЛЕКТРОН ҶҚУВ АДАБИЁТЛАРИ

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ САМАРАДОРЛИгини ОШИРИШДА МУҶИМ ЖАРАЁН БҶЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА. 2008 ЙИЛДА УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШГА ДОИР ЯНГИ ДАСТУРНИНГ ИШЛАБ ЧИҚИЛИШИ ҶАМ НУР УСТИГА АЪЛО НУР БҶЛДИ.

Узлуқсиз таълимни янги сифат даражасига кўтариш имконини берадиган ушбу йўриқномада кўп масалалар ўз ифодасини топди. Шунингдек, қатор таълимий тадбирлар амалга оширилди. Узвийлашган ўқув дастурини бошқичма-бошқич таҳриба-синовдан ўтказиш режаси тартиб ишлаб чиқиладди. Узлуқсиз таълим ўқув режаларини таълим олувчиларнинг ёши, психологик имкониятлари билан мослаштириш ҳам кўзда тутилди. Ҷқувчи, ўқутувчи ва ота-оналар учун Миллий гоё, миллий мафкура тўғрисида ўқув фильмлари, электрон қўланмалар яратишга ҳам киришилди.

ҶАМКОРЛИК ЙҶЛГА ҚҶЙИЛАДИ

ТОШКЕНТДА ХОРИЖИЙ ОЛИЙ ҶҚУВ ЮРТЛАРИНИНГ ҚАТОР ШОҶОБЧАЛАРИ ФАОЛИЯТ ЮРИТМОҚДА. СИНГАПУР МЕНЕЖМЕНТ ТАРАҚҚИЙТИ ИНСТИТУТИНИНГ ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ШОҶОБЧАСИ ҶАМ МУТАХАССИС КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШГА ҶЗИНИНГ МУНОСИБ ҶХИССАСИНИ ҚҶШИБ КЕЛМОҚДА.

Янги 2008-2009 ўқув йилида ҳам мазкур даргоҳ қўллаб талаба-ёшларни ўз бағрига олади. Унинг «Бизнес менежментини бошқариш» факультетига қабул қилинадиган талаба-ёшлар «Тадбиркорлик ва менежмент», «Бизнес ва маркетинг» ўқув дастури бўйича ҳам ўз билим ва малакаларини оширадидлар.

Ҷзбекистон банкилар ассоциацияси, тижорат банкилари ҳам бу олий ўқув юрти билан ҳамкорликни йўлга қўйдилар.

ОЛИМИНИНГ САМАРАЛИ ИЗЛАНИШЛАРИ

ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ҶЗБЕК АЛИФОБСИ ВА ИМЛОСИННИНГ ИЛМИЙ ВА НАЗАРИЙ АСОСЛАРИНИ ЯРАТИШДА КҶТЛАБ МУТАХАССИС ОЛИМЛАРИНИНГ ХИЗМАТИ КАТТА БҶЛМОҚДА.

Ўқувчи-ёшларни лотин ёзувига ўргатишга доир ўқув қўланмалар орасида «Ёзув дафтери», «Янги алифбони ёзишни ўрганамиз» каби наشرлар ҳам алоҳида ажралаб туради. Бундай мазмунли қўланмалар таниқли тилшунос олим Мирҳабиб Ғуломов томонидан босмага тайёрланди. Унинг тақдим этган ўқув дастурлари ҳам янги алифбони ўрганишда муҳим қўланма бўлиб хизмат қилмоқда.

Ақбар АЛИЕВ

Семинарлар

МАРОҚЛИ ХОРДИҚ ЧИҚАРИШАДИ

КУНИ КЕЧА РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ БАРЧА МАКТАБЛАРИДА «СҶНГИ ҚҶНҒИРОҚ» ТАДБИРЛАРИ ҶТКАЗИЛДИ. ЯНА БИР АВЛОД ВАКИЛЛАРИ КАТТА ҶАЁТГА ЙҶЛЛАНМА ОЛИШДИ.

Айни кунларда эса ҳамма жойларда бўлгани каби шаҳримиз халқ таълими муассасаларида ўқувчиларнинг ёзги дам олиш онларини мазмунли ташкил этишга қаратилган ишларни мувофиқлаштириш юзасидан семинар-тренинглари ўтказиб берилмоқда.

Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ташаббуси билан Юнусобод туман ўқувчи-ёшлар техник ижодиёт марказида ўтказилган тадбирнинг мазмун-моҳияти ҳам айни шу жиҳатларга қаратилди.

Унда туман халқ таълими бўлими мутаассадилари, мактаб раҳбарларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбо-сарлари, болалар оромгоҳлари

етақчилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда Юнусобод туман халқ таълими бўлими бош мутахассиси М.Ғуломова, Юнусобод туман ўқувчилар ижодиёт маркази раҳбари С. Кўзиев, техник ижодиёт маркази услубчилари Д.Тўхтаўжаева, Д.Саитова-лар сўзга чиқишиб, ўқувчиларнинг ёзги дам олиш оромгоҳларида хордиқ чиқаришларини таъминлашга қаратилган ишларнинг олиб борилишига оид тақлиф ва тавсияларини беришди.

— Бугунги тадбирнинг айнан бизнинг муассасамизда ўтказилишининг ўзига хос сабаблари бор, — дейди Юнусобод туман

ўқувчилар техник ижодиёт маркази директори Саодатхон Худойқулова биз билан суҳбатда. — Гап шундаки, мактаблар ҳузурда ташкил этиладиган оромгоҳлар ўқувчиларнинг том маънодаги хордиқ чиқарадиган, бўш вақтларининг мазмунли ўтказилишига хизмат қиладиган даргоҳ бўлиб қолиши керак. Бунинг учун эса ушбу соҳага йўналтирилган ўқитувчи-педагоглардан кенг қамровли малака, таҳриба талаб этилади. Марказимизнинг бир гуруҳ услубчилари эса бу борарада улар билан ҳамкорлик қилишадди.

Таъкидлаб ўтилганидек, жорий йилнинг сентябрь ойигача бўлган вақт давомида тумандаги 35 та мактаб ўзига хос соғломлаштириш оромгоҳлари ташкил



етилади. Уч сменада олиб бориладиган бу педагогик жараёнда ўқувчилар турли фан тўғараклари, ранг-баранг спорт уйинлари сингари ақлий ва жисмоний фаолият билан машғул бўлишлари зарур. Зотан, бугунги авлодининг баркамол тарбияси эртанги кун учун қўйилган мустақам пойдевор ҳисобланади. Йигилиш якунида ўқитувчи-

мураббийларга керакли услубий тавсиялар берилди. Кейинги фаолиятга дахлдор режалар белгилаб олинди.

Хидирали ПАНЖИЕВ СУРАТДА: Юнусобод туман техник ижодиёт марказида бўлиб ўтган семинар-тренин-гдан лавҳа.

Суннатилла Кўзиев олган суратлар.



Оила даврасида

ТАНГРИ ТАОЛО ОДАМЗОДГА УЛУФ ТҮЙҒУ—ОИЛАНИ ИНЪОМ ҚИЛГАНКИ, АСЛИДА БИЗДАГИ БАРЧА ХУШФЕЪЛЛИКЛАРНИНГ ЗАМИРИДА НИКОҲ ВА ОИЛА ТУРАДИ...

Оила, болалонлик ва болапарварлик узабқ менталитетига алоҳида ўзига хос маънода намоён бўлади...

ФАРЗАНД ТАРБИЯСИДА ОТА-ОНАНИНГ ҲУҚУҚИ

маган ёшларга нисбатан муносабатларга эътибор қўйилган. Бугунги кун жамияти воғда етмаган ёшлар билан ишлаш мазмунига янги ўлчовларда ёндашув зарурлигини кун тартибига қўймоқда...

тарбияси, уларнинг маънавий-ахлоқий қарашларининг шаклланишига таъсир қўрсади...

ФАРЗАНД ТАРБИЯСИДА ОТА-ОНАНИНГ ҲУҚУҚИ

кам муҳит болаларнинг тарбияси ва камолотида ўзининг ижобий самарасини беради. Оила борасидаги қонунчилигимизда бир қатор ҳуқуқий меъёрлар борки...

ҳуқуқий қонуналар асосида идора этилиши керак. Амалдаги қонунчилигимизнинг ёш навқирон оилаларнинг ва воғда етмаган фарзандлари бўлган эр-хотинларнинг никоҳларини мустаҳкамлашга...

ФАРЗАНД ТАРБИЯСИДА ОТА-ОНАНИНГ ҲУҚУҚИ

Хотида АКРОМОВА, Бектемир туман ФХДЭ бўлими мудираси

Оила куриш — гоғт масъулиятли иш. Оила кураётган ҳар бир шахс буни чуқур англаб етиши, бошқа бир кишининг ҳаётини ҳам ўз жавобгарлиги остига олаётганини ҳис этиши керак...

ОИЛА ТУТУВЛИГИ — БАХТДАН НИШОНА

ОИЛАНИНГ БУЗИЛИШИ ҲАЁТДАГИ ЭНГ НОХУШ ВОҚЕАЛАРНИНГ БИРИ, АЖРАЛИШ — ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТДА МУТАНОСБАЛИК БУЗИЛИШИНИНГ ОҚИБАТИДИР...

Оила куриш — гоғт масъулиятли иш. Оила кураётган ҳар бир шахс буни чуқур англаб етиши, бошқа бир кишининг ҳаётини ҳам ўз жавобгарлиги остига олаётганини ҳис этиши керак...

Тадқиқотлар ажралиш кўпинча эрнинг таъаббуси билан рўй беришини кўрсатмоқда. Айниқса ёш йигитлар ажралиш ва унинг оқибатларига енгилтақлик билан қарамоқдалар...

нинг тарбиясига оналар кўпроқ эътибор беришлари лозим. Қиз бола шарқона одат, расм-русумлардан боғабар бўлиши, миллий урф-одатларимизга амал қилиши зарур, албатта.

Кудалар тенги билан, келин қўёв-чи? Баъзан ўғил-қизини қаршига ўтказиб қўйиб, ота жажл бўлади...



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БҮСТОНИ

УМАР ҲАЙЁМ ҲИКМАТЛАР Бул чархи жағфешаки, олий бунёд, Бир дилни хануз айламагандир обод...

Жон оламида ақл ила иш тутмоқ хуш, Дунё ишида яхшиси турмоқ хомуш. То ўрнида эркан кўзу тил ҳамда қулоқ, Тоғайсан уларни унутиб осойиш.

Ишқ асли ҳаётнинг безавол офтоби, Ишқ асли кўнглининг покиза мехроби. Ғов кўрдими, бас, нолани бошлар булбул, Ошиққа писанд эмас бало гирдобли!

Сўрдим: «Қалининг не?» — дея дунё қизидан, Ул деди: «Қалин — шод дилинг ҳар соат».

Кўнглинг тилаган ёр ила бўл бир умр! Ишқ шағви, ҳаёт завқига тўла бир умр! Йўқлик сари кетмоқ эмиш охир қисмат, Билмас бу абад уйқуни гўл бир умр!

Шодлик татимас, бўлмас дил хотиржам.

Дунёда мурод тухмини соч, гаҳшар ол!

Ҳарчанд бахтинг мангу туялғай, эй дўст, Жисминг эса соғлом ва гўзал — бекаму кўст, Сен қаттиқ ишонма бу тананг чодирга, Тўрт устунни ҳам унинг омонатдир суст.

Куфр оламидан дингача бир лаҳза эмиш, Шақ манзилдан чингача бир лаҳза эмиш, Бас, сен бу азиз лаҳзани хуш ўтказгил, Умр ўзи шу — ўлғунгача бир лаҳза эмиш...

Инсон умри асли-азал бир тутам, Бас, шод яша етса-да сенга қанча ситам. Ақл аҳли билан бўл, бу вужудинг асли — Тупроғу шамолу яна оташ ила нам.

Аслида умид донаси хирманда қолур, Боғ ҳамда сарой на сану на маңда қолур. Бас, сийму зарингни доналаб йиқунча, Дўстлар-ла еб-ич, бўлмас душманда қолур!

Бу ажзу ниёз йўлида бир дил ганимат, Сўхтаб тилсанг, дўсти қомил ганимат. Юз Каъба ўтаверсин бир дил қошдан, Юз Каъбасидан бир дилни бил ганимат.

Ҳар кимсани бор бўлса ейишга нони Ҳам ўзига лойиқ уйюу ошони, Ул қул-да эмас бировга, ҳоким-да эмас, Бас, қандини урсин ўша — хуш даврони!

Қил ошначилик оқилу пок кимса билан, Кўч бир неча фарсанг, эса хар кимки тубан, Нўш айла заҳар узатса доно чўчима, Лаб урма шароб тутса-да нокас, умуман!

Эй чарх, қурумсоққа қарашдинг обдон — Бердинг унга ҳаммомо уйи тегирмон. Бир лўқма таомга зор саховат аҳли, Яқсон эса соз эди бунингдек даврон.

Боилки гаммоу хасрати дунё не учун? Мангу яшаган кимсани кўрдингни бу кун? Омонат эрур тандаги бул неча нафас, Дил берма омонатга, эсанг ақли бутун.


Ҳайём, гуноҳ деб бу қадр мотам не? Чеқмоқ каму кўп нафий сабаб алам не? Гар бўлмас ҳеч бир гуноҳ — афв нечун? Гар афв гуноҳ учун экан, бас, ғам не?

Хуш давлати ҳеч кимга вафо қилган эмас, Зор ийглатиб бир кун сени ҳам кетмоғи бор...

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

TOSHKENT SHANAR TELEFON TARMOG'I Филиали АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА! Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилеи муносабати билан...

Table with TV channels (O'ZBEKISTON, TOSHKENT, SPORT, ROSSIA, NTV, ТВ3) and their respective program schedules for Dushanbe and Selshanba.



«Давлати Боши 3-бетда».

18.55 «Тел ахбороти»... 20.10 «Тел ахбороти»... 20.15 «Биз - ёшлар»...

«Тошкент»

7.30 «Салом, Тошкент!»... 8.30, 18.50 «Эсмэралда»... 8.55, 18.50, 21.50 «Телекурёр-маркет»...

«Спорт»

7.00 «Бодоро утрос»... 8.00, 9.30, 18.30, 21.30 «Хабарлар»...

«Первый канал»

4.00, 8.05 «Доброе утро»... 8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00, 23.15 «Новости»...

«Россия»

4.00 «Доброе утро, Россия!»... 7.50 «Первая леди советского кино»...

«НТВ»

5.00 «Сегодня утром»... 8.00 «Наше все!»... 9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 21.40 «Сегодня»...

«СТС»

7.00 «Человек-паук»... 8.00, 11.30, 18.00 «Моя прекрасная няня»...

«ТВ-3»

7.00, 9.15 Мультифильми... 7.45 М/ф «Уолтер Мелон»...

«Пайшанба, 5»

6.00, 12.00 «Ассалом, Узбекистон!»... 7.00, 13.00, 22.55 «Илим»...

«Ўзбекистон»

6.00, 12.00 «Ассалом, Узбекистон!»... 7.00, 13.00, 22.55 «Илим»...

«Россия»

4.00 «Доброе утро, Россия!»... 7.50 «Первая леди советского кино»...

«НТВ»

5.00 «Сегодня утром»... 8.00 «Наше все!»... 9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 21.40 «Сегодня»...

«СТС»

7.00 «Человек-паук»... 8.00, 11.30, 18.00 «Моя прекрасная няня»...

«ТВ-3»

7.00, 9.15 Мультифильми... 7.45 М/ф «Уолтер Мелон»...

«Пайшанба, 5»

6.00, 12.00 «Ассалом, Узбекистон!»... 7.00, 13.00, 22.55 «Илим»...

«Ўзбекистон»

6.00, 12.00 «Ассалом, Узбекистон!»... 7.00, 13.00, 22.55 «Илим»...

«Россия»

4.00 «Доброе утро, Россия!»... 7.50 «Первая леди советского кино»...

«НТВ»

5.00 «Сегодня утром»... 8.00 «Наше все!»... 9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 21.40 «Сегодня»...

«СТС»

7.00 «Человек-паук»... 8.00, 11.30, 18.00 «Моя прекрасная няня»...

«ТВ-3»

7.00, 9.15 Мультифильми... 7.45 М/ф «Уолтер Мелон»...

«Пайшанба, 5»

6.00, 12.00 «Ассалом, Узбекистон!»... 7.00, 13.00, 22.55 «Илим»...

«Ўзбекистон»

6.00, 12.00 «Ассалом, Узбекистон!»... 7.00, 13.00, 22.55 «Илим»...

«Россия»

4.00 «Доброе утро, Россия!»... 7.50 «Первая леди советского кино»...

«НТВ»

5.00 «Сегодня утром»... 8.00 «Наше все!»... 9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 21.40 «Сегодня»...

«СТС»

7.00 «Человек-паук»... 8.00, 11.30, 18.00 «Моя прекрасная няня»...

«ТВ-3»

7.00, 9.15 Мультифильми... 7.45 М/ф «Уолтер Мелон»...

«Пайшанба, 5»

6.00, 12.00 «Ассалом, Узбекистон!»... 7.00, 13.00, 22.55 «Илим»...

«Ўзбекистон»

6.00, 12.00 «Ассалом, Узбекистон!»... 7.00, 13.00, 22.55 «Илим»...

«Россия»

4.00 «Доброе утро, Россия!»... 7.50 «Первая леди советского кино»...

«НТВ»

5.00 «Сегодня утром»... 8.00 «Наше все!»... 9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 21.40 «Сегодня»...

«СТС»

7.00 «Человек-паук»... 8.00, 11.30, 18.00 «Моя прекрасная няня»...

«ТВ-3»

7.00, 9.15 Мультифильми... 7.45 М/ф «Уолтер Мелон»...

«Пайшанба, 5»

6.00, 12.00 «Ассалом, Узбекистон!»... 7.00, 13.00, 22.55 «Илим»...

«Ўзбекистон»

6.00, 12.00 «Ассалом, Узбекистон!»... 7.00, 13.00, 22.55 «Илим»...

«Россия»

4.00 «Доброе утро, Россия!»... 7.50 «Первая леди советского кино»...

«НТВ»

5.00 «Сегодня утром»... 8.00 «Наше все!»... 9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 21.40 «Сегодня»...

«СТС»

7.00 «Человек-паук»... 8.00, 11.30, 18.00 «Моя прекрасная няня»...

«ТВ-3»

7.00, 9.15 Мультифильми... 7.45 М/ф «Уолтер Мелон»...

«Пайшанба, 5»

6.00, 12.00 «Ассалом, Узбекистон!»... 7.00, 13.00, 22.55 «Илим»...

«Ўзбекистон»

6.00, 12.00 «Ассалом, Узбекистон!»... 7.00, 13.00, 22.55 «Илим»...

«Россия»

4.00 «Доброе утро, Россия!»... 7.50 «Первая леди советского кино»...

«НТВ»

5.00 «Сегодня утром»... 8.00 «Наше все!»... 9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 21.40 «Сегодня»...

«СТС»

7.00 «Человек-паук»... 8.00, 11.30, 18.00 «Моя прекрасная няня»...

«ТВ-3»

7.00, 9.15 Мультифильми... 7.45 М/ф «Уолтер Мелон»...

«Пайшанба, 5»

6.00, 12.00 «Ассалом, Узбекистон!»... 7.00, 13.00, 22.55 «Илим»...

«Ўзбекистон»

6.00, 12.00 «Ассалом, Узбекистон!»... 7.00, 13.00, 22.55 «Илим»...

«Россия»

4.00 «Доброе утро, Россия!»... 7.50 «Первая леди советского кино»...

«НТВ»

5.00 «Сегодня утром»... 8.00 «Наше все!»... 9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 21.40 «Сегодня»...

«СТС»

7.00 «Человек-паук»... 8.00, 11.30, 18.00 «Моя прекрасная няня»...

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

2008 йил 9 июнча шов-шувли томошалар! Ўзбек Давлат цирки республика бирлашмаси Тошкент Давлат цирки... Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги...

АБИТУРИЕНТ — 2008 АБУ РАЙОН БЕРУНИНОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ВА ТЕХНИКА ЙЎНАЛИШЛАРИ БЎЙИЧА...

«Самарқанд» хусусий ёпиқ акциядорлик-тижорат банки акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиши 2008 йил 3 июнь кунин Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Лисунов 1а-мавзе, 61 «а»-уй манзилидаги банк биносида ўтказилади.